ЎСМИРЛИК ДАВРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ДЕЗАДАПТАЦИЯ ҲОЛАТЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

Г.Сулейманова, Н.Маматова

Мақолада ўсмирлик давридаги ижтимоий психологик дезадаптация ҳолатларининг таълим жараёнида намоён бўлиш жиҳатлари ёритилган .

Калит сўзлар: *адаптация, дезадаптация, ижтимоийлашув, нейродинамик бузилишлар, психомотор сустлашув, "ёлғизлик" ҳисси, "бегоналашув" ҳисси.*

В статье рассматриваются социально-психологичесие аспекты проявления дезадаптации подростков в процессе обучения.

Ключевые понятия: *адаптация, дезадаптация, нейродинамические нарушения, психомоторное отставание, чувство одиночества, чувство отчуждения.*

On the basis of social and psychological factors the article discusses the aspects of disadaptation of the teenagers in the process of education.

Key words: *Adaptation, maladjustment, sociability, neurodynamic breakdowns, psychomotor slowdown, loneliness, alienation.*

Ўз руҳий кечинмаларини бошқариш, яқинлар билан самимий, соғлом муносабатда бўлиш, аввало, шахснинг ўзи учун аҳамиятли бўлган муносабатлар тизимида ўрнини топа олишига боғлиқдир.

Бугунги кунда ўсмирларнинг ижтимоий мослаша олмаслиги – дезадаптация муаммоси психологияда долзарб масала сифатида қаралмоқда. Ижтимоий мослашиш (адаптация) ҳолатларини шакллантиришнинг психологик механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, ўсмирларнинг ўз қобилиятлари, ўзлигини намоён этишига кўмаклашиш психологлар қаршисида турган вазифалардан биридир.

Адаптация асосини организмнинг ташқи муҳитдаги вазиятларда ички барқарорлигини сақлаб туриш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя реакцияси ташкил этади. "Адаптация организмнинг турли шароитларда меъёрий ривожланиши, оптимал ишлаш қобилиятини сақлаб туришини таъминлайди" [1.366].

Таълимдаги дезадаптация – ўсмир адаптив қобилиятларининг ўқув фаолиятидаги янги шароитларга мослашиш имконини бера олмаслиги, ўзлаштиришида қийинчиликлар, шахслараро муносабатлардаги низолар, турли кўринишдаги хулқий оғишларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади [7.13]. Дезадаптация ҳолати таълим жараёнида ўсмирнинг ижтимоий меъёр, талаб ва мезонларни бажаришда қийинчиликларга дуч келиши оқибатида намоён бўлади.

Н.В.Вострокнутов ўсмирлик давридаги дезадаптация субъектнинг ўзидаги имкониятларни намоён эта олмаслиги, мактабдаги ижтимоий муносабатларда ўз ўрнини топа олмаслиги оқибатида келиб чиқишини таъкидлаган [2.35].

Дезадаптация ҳолатлари ўсмирларнинг ўқишга, ўқитувчиларга, ўқиш жараёнига нисбатан салбий муносабатлар, ҳаётий мақсадларига, ижтимоий талабларга нисбатан негатив эътироз, тенгдошларини намойишкорона менсимаслик кўринишларида намоён бўлади [1.366].

Дезадаптация ҳолати соғлом ёки турли асаб-психик бузилишлари мавжуд (турли жисмоний ва органик бузилишлари бор ва олигофрен ўсмирлар бу тоифага кирмайди) ўсмирларда шаклланиши мумкин.

Психологлар томонидан дезадаптация ҳолатларини келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омиллар шартли равишда икки гуруҳга бўлинган:

- ижтимоий ёки объектив,
- шахсий ёки субъектив [7.36].

Ҳар иккала омил дезадаптация жараёнида ўзаро боғланган ҳолда намоён бўлади.

Педагоглар ва ота-оналар диққатини жалб этувчи характерологик ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ўсмирда ўқишга қизиқишнинг пасайиб кетиши, ўқув материалининг секин суръатлар билан ўзлаштирилиши, диққат концентрациясининг бузилиши, ўз-ўзини бошқара олмаслик, гиперактивлик ёки ҳаддан зиёд сусткашлик, ўзига ишонмаслик, низолилик ва ҳоказолар.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий дезадаптация ҳолатлари намоён бўлишига физиологик омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, ўсмирда дезадаптация ҳолатининг шаклланишига бевоси-

та ушбу ёш даврига хос бўлган пубертат ривожланиш хусусиятлари ҳам таъсир қилиб, турли гормонал ўзгаришлар хулқий ва психик бузилишларни келтириб чиқаради.

Ижтимоий-психологик дезадаптация ҳолатларининг юзага келишига физиологик омиллар, хусусан, марказий нерв системаси функцияларидаги бузилишлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мия функцияларининг ўзгаришига олиб келувчи асосий факторлар сифатида ҳомиладорлик ва туғиш жараёнининг оғир кечиши, илк болалик даврида нутқ функциялари ривожланишининг кечикиши, диққат, хотира ривожланишидаги оғишлар кузатилган.

Марказий нерв системаси функцияларида бузилишлар аниқланган ўсмирлар билан психологик, педагогик-коррекцион тадбирлар бевосита невропатолог, психолог, психиатр, логопед, педагогларнинг иштироки ва мунтазам кузатувида олиб борилиши зарур.

Мия функцияларининг нейродинамик бузилишлари билан боғлиқ яна бир синдром психомотор сустлашув бўлиб, бундай ўсмирлар ҳаракат фаоллигининг пасайиши, эмоционал реакцияларининг сустлашуви билан ажралиб туради. Бу тоифадаги ўсмирлар таълим жараёнида юзага келувчи турли ижтимоий вазиятларда тез реакция кўрсата олмаганлари туфайли тенгдошлари билан шахслараро муносабатларда жиддий қийинчиликларга учрайдилар.

Ўқитувчиларнинг таълим жараёнида дезадаптация ҳолатидаги ўсмирлар ёш ва индивидуал типологик хусусиятларини тўғри тушуна олмаслиги психик ривожланишда иккиламчи қийинчиликларни келтириб чиқаради [11.53].

Г.Кумарина тадқиқотларида ижтимоий-психологик дезадаптация ҳолатлари намоён бўлган ўсмирларда умумий интеллектуал ривожланиш ёш хусусиятларига кўра меъёр даражасида бўлиши билан биргаликда, таълим жараёнида маълум когнитив бузилишлар кузатилиши таъкидланади [13.82]. Бундай бузилишлар қуйидаги синдромларда намоён бўлади:

- неврозлар,
- астеник синдром,
- диққат етишмовчилиги, гиперактивлик [7.32; 8.410; 11.54].

Психологик дезадаптация ҳолатларининг намоён бўлиши стресс ва фрустрация вазиятларида ўсмирлар ижтимоий фаоллигининг сусайишига ҳам олиб келиши мумкин.

Ўсмирларнинг мулоқотга киришишидаги қийинчиликлар тенгдошлари, яқин ижтимоий муҳитидаги одамлар билан ўзи учун аҳамиятли шахслараро муносабатларнинг бузилиши, “ёлғизлик”, ”бегоналашув”, “зерикиш” каби кечинмаларнинг пайдо бўлиши, дарсларга мунтазам тарзда қатнашмаслик, мактаб, синф жамоаси тарбиявий таъсир кучининг камайиши кабиларга олиб келади. Натижада ижтимоий-психологик дезадаптация ҳолатининг чуқурлашуви ўсмирга яқиндан ёрдам бериш имкониятининг пасайишига, унинг ўзини ноадекват баҳолашига сабаб бўлади. Ўз-ўзини паст баҳолаш ўсмирнинг ижобий ижтимоий-психологик адаптациясига жиддий тўсқинлик қилади. Ўз-ўзини юқори баҳолаш ҳам ўсмир ижтимоий муносабатларига салбий таъсир қилади. Бундай ўсмирларда ўзига нисбатан танқидий ёндашув бўлмагани сабабли лидерликка интилиш кучли бўлади.

Ўз-ўзига юқори баҳо бериш ўсмирда салбий эмоциялар, фрустрация, ички низолар каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Бундай низолар нафақат таълим жараёнида ўзлаштиришнинг пасайиши, балки ўсмирнинг умумий психик соғломлик ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўз-ўзига баҳоси паст ўсмирлар ҳам ўзига хос муаммоларга эгалар: қатъиятсизлик, конформлилик, ўз куч ва имкониятларига ишонмаслик, бошқалар иродасига тобелик уларда, ижтимоий фаолликни пасайтириб, ташаббускорлик, мустақиллик каби шахс хусусиятларининг намоён бўлишига тўсқинлик қилади.

Таълим жараёнидаги дезадаптацияни бартараф этиш учун, аввало, уни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш зарурдир. Ушбу омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- таълим муассасасидаги шахслараро муносабатларда ўсмирнинг ўз ўрнини топа олишидаги қийинчиликлар;
- ўқитувчиларнинг ўсмирлик даври ёш ва типологик хусусиятларини инобатга олмаслиги;
- таълим муассасидаги ўқитувчилар ва раҳбариятнинг ўсмир шахси ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни ўз вақтида тўғри тушуниш ва бартараф этишнинг психологик усулларини етарлича билмаслиги;
- дезадаптация ҳолатидаги ўсмирларга нисбатан ўқитувчиларда субъектив негатив установкаларнинг шаклланганлиги;
- ўқув гуруҳидаги шахслараро муносабатларнинг ўсмир учун негатив характерда экани;
- ўқитувчиларда ўқитиш методикасини эгаллаш даражасининг пастлиги;
- ўқитувчиларда умумий маданият даражасининг пастлиги ва ҳ.к.

Таълим жараёнидаги дезадаптация ҳолатлари ўсмирда шахс хусусиятларининг шаклланиш-

шига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, тадқиқотчилар томонидан қуйидагилар ўсмир шахси ривожланиши учун хавф омили сифатида баҳоланади:

- тенгдошлари билан муносабатда ўсмирнинг қадрсизлигини ҳис этиши, тенгдошлари жамоасидан ажралиб қолиши;
- фаолиятга нисбатан мотивациянинг сустлашиши, фаолиятдан қочиш;
- келажакка ишонч ҳиссининг йўқолиши, ўз имкониятларига ишонмаслик;
- хавотир ҳиссининг кучайиши, ижтимоий апатия;
- атрофдагилар билан низоларнинг кўпайиши;
- ўсмир қизиқишлари доирасининг торайиши;
- ақлий ривожанишдаги камчиликлар, хотиранинг заифлашуви, диққат барқарорлигининг сустлиги;
- ҳаддан зиёд қўзғалувчанлик, кўп ҳолларда асоциал хулқ кўринишларининг намоён бўлиши;
- агрессив хатти-ҳаракатларга олиб келувчи низога мойиллик кайфияти;
- ирода сифатларининг етарли шаклланмагани, муросасозлик натижасида референт гуруҳга тобелик эҳтимоли [7.13;13.79;14.37]

Таълим жараёнидаги дезадаптация ҳолатларини бартараф этишда ўсмирларни улар учун аҳамиятли ва қизиқарли фаолиятга йўналтириш, фаолият мотивларини мазмунлироқ қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, ҳар бир ижобий натижани рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, истиқболли мақсадлар қўйиш ва интилишларида ишонч ҳиссини тарбиялаш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўсмирлардаги таълим жараёнида кузатилувчи дезадаптация белгиларини ўз вақтида аниқлаш бу борадаги психопрофилактик ва психокоррекцион ишлар самарадорлигини оширади.

Адабиётлар:

1. Вострокнутов Н.В. Школьная дезадаптация: основные понятия, пути и средства комплексного сопровождения ребенка с проблемами развития и поведения /. – М.: Государственный научный центр социальной и судебной психиатрии им. В. П. Сербского, 1999. – 360 с

2. Воробьев В.М. Психическая адаптация как проблема медицинской психологии и психиатрии // Обозрение психиатрии и медицинской психологии им. В.М.Бехтерева.- Спб.- 1993. - № 2. - С. 33-39.

3. Выготский Л.С. Динамика и структура личности подростка: Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии.- М: Международная педагогическая академия, 1994.- С. 211 - 215.

4. Громбах С.М. Первичная профилактика нервно-психических нарушений / С.М.Громбах, Д.Н. Крылов, Т.П.Кулакова // Психогигиена детей и подростков. – М.: Просвещение. – 1995. – 280 с.

5. Дубровина И.В., Акимова М.К., Борисова Е.М. и др. Рабочая книга школьного психолога / Под ред. И.В. Дубровиной.- М., 1991.43с

6. Журавлев Д. Адаптация учащихся при переходе из начальной в среднюю школу // Народное образование. – 2002. – № 8. – С.99-101.

7. Заваденко Н.Н., Петрухин А.С., Успенская Т.Ю. Клинико-психологическое исследование школьной дезадаптации: её основные причины и подходы к диагностике // Неврологический журнал.- 1998.- № 6.- С.13–18.

8. Ковалев В.В. Психогенные характерологические и патохарактерологические реакции у детей и подростков.– М.: Медицина, 1993. – 410 с.

9. Ковалев В.В. О роли «измененной почвы» в происхождении психогенных патологических формирований личности. В. В. Ковалев М:Владос,2002. 123с

10. Патохарактерологические исследования у подростков.- Л.: ЛГУ, 1991. – 360 с.

11. Коган В.Е. Психогенные формы школьной дезадаптации // Вопросы психологии.- 1994.- № 4. 79-80.

12. Кузнецов П.С. Концепция социальной адаптации. – Саратов: Изд-во Сарат. ун-та, 2000. – 390 с.

13. Кумарина Г. Школьная дезадаптация: признаки и способы предупреждения // Социальная педагогика: деловой журнал для социальных работников и педагогов.– 2007.– N 3.– С.79-88.

14. Потапова С.К., Нартова-Бочавер А.В. Школьная дезадаптация и факторы риска ее появления // Народное образование.- 2002. - № 3. – С.36-39.

Андижон давлат университети,
2017 йил 15 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Б.М.Умаров)